



Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан инсонларни энг кўп жаннатга киритадиган нарса ҳақида сўралганда: «Тақво ва гўзал хулқ

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан инсонларни энг кўп жаннатга киритадиган нарса ҳақида сўралганда: «Тақво ва гўзал хулқ», – дедилар. Энг кўп дўзахга олиб кирадиган нарса ҳақида сўралганда: «Оғиз ва фарж», – дедилар.

[Ҳасан Саҳиҳ] [Тирмизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда жаннатга киритадиган энг катта сабабларни баёнлаб бердидар. Улар: Аллоҳдан тақво қилиш ва чиройли хулқ. Аллоҳдан тақво: Аллоҳнинг буюрганларини бажариб, қайтарганларидан қайтиш билан, банда ўзи ва Аллоҳнинг азоби ўртасида тўсиқ қилмоғидир. Чиройли хулқ: очиқ чеҳра бўлиб одамларга яхшилик қилиб, азият бермаслик билан бўлади. Энди дўзахга киргизувчи иккита энг катта сабаб бўлиб, улар: Тил ва фарж. Биринчиси: Ёлғон, ғийбат ва гап ташиш каби маъсиятларга ишлатиладиган тил. Иккинчиси: Зино, ливот ва бошқа маъсият ишларга ишатиладиган фарж.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5476>

